



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUGI

2017 yil "11" 04

№150

Toshkent sh

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги
даволаш-профилактика муассасаларида пуллик хизматларга нархларни
шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 сентябрдаги 292-сон "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ташкилотлари тузилмасини янада оптимллаштириш ва соғлиқни сақлаш тизими тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-илоvasи 10-бандини ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида пуллик тиббий хизматларга нархларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг қуйидаги буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 26 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматларга нархларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 526-сонли буйруғи;

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2010 йил 26 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 26 ноябрдаги 526-сонли буйруғига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги 326-сонли буйруғи.

3. Мазкур буйруқ 2017 йилнинг 20 апрелидан қучга қиради.

Вазир

А.Шадманов

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
201~~4~~ йил “ 4 ” апрел даги
150 - сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-
профилактика муассасаларида аҳолига кўрсатиладиган пуллик хизматлар
нархларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (бундан буён матнда қарор деб юритилади) асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш - профилактика муассасалари (бундан буён матнда тиббиёт муассасалари деб юритилади) томонидан аҳолига кўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлар нархлари (тарифлари)ни шакллантириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Республика ихтисослаштирилган ва илмий амалий тиббиёт марказларига тадбиқ этилмайди.

2. Пуллик тиббий хизматларга нархларни шакллантириш тиббиёт муассасасининг нарх шакллантириладиган давр учун тасдиқланган даромад ва харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий атамалардан фойдаланилган:

таннарх – маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган моддий ресурсларнинг, асосий фондларнинг, меҳнат ресурсларининг, шунингдек товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш жараёнини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа турдаги харажатларнинг қиймати;

рентабеллик – соф фойда суммасини хизматлар таннархига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқиладиган корхона фаолиятининг фойдалилик нисбий кўрсаткичи;

тариф (нарх) – тиббий ва сервис хизматлар бирлигининг пул кўринишидаги қиймати;

даромад ва харажатлар сметаси – тегишли молиявий йилда бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар доирасида кутилаётган даромад ва харажатлар, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги хизмат кўрсатадиган муассасаларининг даромад ва харажатлари акс этадиган ҳужжат;

хизматлар – тиббиёт муассасаларида юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида кўрсатиладиган тиббий ва сервис хизматлар;

тиббий хизматлар – тиббий технологиялар ёрдамида касалликнинг профилактикаси, ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилишга қаратилган чора-тадбир ёхуд чора-тадбирлар мажмуаси;

пуллик тиббий хизмат – тиббиёт муассасаларида давлат томонидан кафолатланган хажмдан ортиқча (қўшимча) кўрсатилган тиббий хизмат;

сервис хизматлари – тиббиёт муассасалари томонидан асосий тиббий хизматлар билан боғлиқ ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган, фуқаронинг хоҳишига кўра кўрсатиладиган қўшимча хизматлар (масалан, беморларга палаталарда комфорт шароитларни яратиш, боқувчи шахсларга меҳмонхона хизматлари ва х.к.);

пуллик хизматни ташкил этиш бўлими - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармалари тасарруфидаги Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш бўлимлари;

калькуляция - кўрсатиладиган хизматларга сарфланадиган харажатларнинг пулдаги қийматини аниқлаш мақсадида бир ёки бир неча хизматлар учун тузиладиган ҳисоб - китоб ҳужжати;

нархнома - нархлар калькуляцияси асосида қонунчиликда ўрнатилган тартибда келишилган ва муассаса раҳбарияти томонидан тасдиқланган хизматлар тоифалари, турлари ва нархлари ақс эттирилган тизимли ҳужжат;

бевосита харажатлар – хизмат кўрсатиш вақтида сарфланадиган ва хизмат бирлиги таннархига бевосита тегишли ишлаб чиқариш харажатлари;

билвосита харажатлар - хизмат кўрсатиш вақтида билвосита сарф бўладиган, хизмат турлари қийматини ҳисоблаб чиқаришда бевосита қўллаш имкони бўлмаган харажатлар, бунда мазкур харажатлар харажат объектлари ва улар бирлигининг таннархи улушига мувофиқ тақсимот йўли орқали тарқатилади.

2-боб. Пуллик тиббий хизматларга нархларни шакллантириш

4. Пуллик тиббий хизматларга нархларни шакллантириш қуйидаги услублар орқали амалга оширилади:

тиббий хизмат бирлиги нархини аниқлаш (шифокор маслаҳати, муолажалар, текширувлар, хирургик амалиёт ва бошқалар). Ушбу услуб мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган пуллик тиббий хизмат калькуляциясини ҳисоблаб чиқиш орқали амалга оширилади;

бир ўрин-кун нархини аниқлаш. Ушбу услуб мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган бир ўрин-кун учун калькуляциясини ҳисоблаб чиқиш орқали амалга оширилади.

5. Тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган пуллик тиббий хизматлар хизмат таннархи, соф фойда суммаси, пуллик хизматни ташкил этиш бўлимларини сақлаб туриш учун ажратмалар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

1-§. Тиббий хизмат бирлиги нархини аниқлаш

6. Пуллик тиббий хизмат таннархига қуйидаги харажатлар киритилади:

а) бевосита материал харажатлари. Ушбу харажатларга хизмат кўрсатиш жараёнида қўлланиладиган дори-дармон воситалари, бир мартаба ишлатиладиган тиббий воситалар ва бошқа ашёлар;

б) бевосита меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари - тиббиёт муассасасида қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ амалдаги ўртача базавий такомиллаштирилган тариф ставкалари ва тиббиёт муассасасининг мукофотлаш тўғрисидаги низомларида назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар.

Тиббий хизмат кўрсатишга сарфланадиган вақт меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган миқдорларда (бундай ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда эса хронометраж кузатув ёхуд шу турдаги хизматларни кўрсатувчи бир нечта мутахассис томонидан) аниқланади ва юқори турувчи соғлиқни сақлаш органи билан келишилган ҳолда тиббиёт муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда хизмат кўрсатишда бевосита иштирок этадиган тиббиёт муассасаси ходимларининг иш ҳақи жамғармасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловлар;

г) тиббиёт муассасасининг билвосита харажатлари. Унинг таркибига бевосита материал ва иш ҳақи харажатлари, иш ҳақи жамғармасига ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов, юқори ташкилотларга ажратмалар, давлат бюджетига ҳисобланган солиқлар ва тўловлар, шу жумладан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан ташқари барча харажатлар;

д) тиббий хизмат кўрсатишда бевосита иштирок этадиган ходимлар иш ҳақига ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов инобатга олинган ҳолда, меҳнат ҳақига 1 сўм бевосита харажат миқдорига тўғри келадиган билвосита харажатлар тегишли тақсимлаш коэффициентидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Билвосита харажатларни тақсимлаш коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$БХ_{ТК} = \frac{(ИХФ_{мбхх} + IV_{г. + Э}) - (БМХ + O + A)}{ИХФ_{\Delta X}} \cdot 100\%$$

бунда,

БХ_{ТК} – билвосита харажатларни тақсимлаш коэффициенти;

ИХФ_{мбхх} (ягона ижтимоий тўлов билан) – иш ҳақи фондига хизмат кўрсатиш вақтида билвосита иштирок этадиган ходимлар иш ҳақи харажатлари йигиндиси (маъмурий-бошқарув ходимлари, умумий ва хўжалик хизмат кўрсатувчи ходимлар, кичик тиббий ходимлар, дорихона ходимлари, омбор мудир ва бошқа мутахассислар);

IV_{г.} – IV гуруҳ харажатлари (бошқа харажатлар) – тиббиёт муассасаларининг пуллик хизматлар ҳисобидан амалга ошириладиган давлат бюджетидан молиялаштириш таснифида назарда тутилган IV гуруҳ харажатлари;

Э – тиббиёт муассасаларининг ҳисобот давридаги асосий воситаларнинг эскириш харажатлари;

БМХ – бевосита материал харажатлар йиғиндиси;

О – беморларга сарфланадиган овқатланиш харажатлари;

А – пуллик хизматни ташкил этиш бўлимини сақлаб туришга ўтказиладиган ажратмалар;

ИХФ_{АХ} – хизмат кўрсатиш вақтида бевосита катнашадиган асосий ходимларнинг ягона ижтимоий тўлов билан бирга иш хақи жамғармаси.

7. Пуллик тиббий хизматларга нархларни шакллантиришда соф фойда суммаси рентабелликнинг чекланган даражасидан келиб чиқиб аниқланади.

Бунда, рентабеллик миқдори тиббий хизмат таннархидан 20% дан ортиқ бўлмаган миқдорда ўрнатилади.

8. Пуллик хизматни ташкил этиш бўлимини сақлаб туришга ўтказиладиган ажратмалар алоҳидаги каторда кўрсатилади. Ажратмалар миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи билан белгиланади.

9. Солик ва бошқа мажбурий ажратмалар йиғиндиси тарифга алоҳида каторда киритилади.

Соликларга қуйидагилар киради:

а) фойда солиғи;

б) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи.

Бошқа мажбурий ажратмаларга қуйидагилар киради:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ажратмалар;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратмалар.

10. Мазкур Низомнинг 6 – 9-бандларига мувофиқ тиббий хизмат бирлиги нархи аниқланганидан сўнг, мазкур Низомнинг 3-илоvasида кўрсатилган нархнома расмийлаштирилади ва тегишли тиббиёт муассасаси раҳбари томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

11. Хирургия амалиёти калькуляцияси юқорида кўрсатиб ўтилган услуб бўйича амалда сарф бўладиган ўртача вақтдан келиб чиққан ҳолда тузилади ва бажарилган ишлар далолатномасини тузиш жараёнида хирургия амалиёти учун ҳақиқатда сарфланган вақтдан келиб чиққан ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

12. Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатадиган (туғруқ, болалар, юқумли касалликлар, онкология, сил касалликлари ва х.к.) даволаш-профилактика муассасалари (бўлимлари) томонидан кўрсатиладиган сервис хизматларига муассасанинг конъюнктура ва фаолиятидаги ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, мазкур Низомнинг 3-илоvasида кўрсатилган нархнома қўшимча тарзда пуллик хизматни ташкил этиш бўлимлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

2-§. Бир ўрин-кун нархини аниқлаш

13. Бир ўрин-кун нархини аниқлаш бир ўрин-кун учун калькуляцияси терапевтик, хирургик ва реанимация йўналишлари бўйича қуйидаги тартибда ҳар бир йўналиш юзасидан алоҳида шакллантирилади:

Ўрин-кун таннархига қуйидагилар киради:

а) бир ўрин-кун нархига киритилмайдиган ва ҳақиқий харажатлар бўйича тўланадиган бевосита материал харажатлар;

б) меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича бевосита харажатлар. Унга пуллик хизмат кўрсатувчи стационар бўлимнинг асосий тиббий ходимларнинг (шифокор, ўрта ва кичик тиббий ходимлар) иш ҳақи жамғармаси тиббиёт муассасасининг иш ҳақи ва мукофотлаш тўғрисидаги низомларда кўрсатилган устама ва қўшимча тўловлар;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ўрнатилмайдиган меҳнат ҳақи жамғармасидан ягона ижтимоий тўлов;

г) тиббиёт муассасаларининг билвосита харажатлари коэффиенти. Мазкур Низомнинг 6-бандининг “д”-кичик бандига биноан ягона ижтимоий тўлов ҳисобга олинган ҳолда стационар бўлимнинг иш ҳақига нисбатан ўрнатилди. Бунда, тиббиёт муассасасининг билвосита харажатлари таркибидан мазкур Низомнинг 2-илоvasида кўрсатилган хизматлар учун кичик тиббий ходимлар харажатлари айириб ташланган ҳолда қўлланилади;

д) мазкур Низомнинг 7 – 9-бандларига мувофиқ, чекланган рентабеллик, пуллик хизматни ташкил этиш бўлимига ажратмалар ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ўрнатилган тартибда ҳисобланади.

14. Мазкур Низомнинг 13-бандига мувофиқ бир ўрин-кун учун калькуляцияси орқали бир ўрин-кун нархи аниқланганидан сўнг белгиланган тартибда қўлланилади.

15. Сервис хизматларни яхшилаш мақсадида тиббиёт муассасалари ўрин-кун нархига шароити яхшиланган ўринлар учун устамалар ўрнатиш ҳуқуқига эга. Сервис хизматларга устамалар тегишли пуллик хизматни ташкил этиш бўлими билан келишилган ҳолда, аҳолининг қўшимча сервис хизмат турларига эҳтиёжидан ҳамда тиббиёт муассасасининг фаолиятидаги ўзига хос хусусияти ва конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

3-боб. Тасдиқланган нархлар (тарифлар)ни қўллаш

16. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга мазкур Низомнинг 2-бобига асосан ҳисоблаб чиқилган нархларга асосан кўрсатилган хизматларга тўловлар ундирилади.

17. Чет эл фуқароларига кўрсатилган хизматларга нархлар, мазкур Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган нархларга 25% дан кам бўлмаган миқдорда устама қўллаган ҳолда белгиланган тартибда ундирилади.

Устама миқдори Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази билан келишилган ҳолда белгиланади.

Башарти халқаро шартномаларда хизматлар кўрсатишда, кўрсатилган хизматларга тўловларни ундиришда мазкур Низомдан ўзгача қоидалар белгиланган бўлса халқаро шартноманинг қоидалари қўлланади.

18. Ғазна операциялар бўйича ҳисоботларни тўғри юритилиши учун тарифлар беморлар фойдасига яхлитланади. Бунда, яхлитланадиган сумма 1 дан 99 сўмгача ораликда бўлиши лозим.

4-боб. Яқуний қондалар

19. Тиббиёт муассасаси раҳбари кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг ўз вақтида, тўла ҳажмда ва сифатли кўрсатилиши, хизмат кўрсатиш шаклидан катъий назар тарифларнинг тўғри қўлланилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда масъулдирлар.

20. Тарифларнинг тўғри шакллантирилиши ва тасдиқланган тарифларнинг тўғри қўлланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ва Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси билан келишилган.

Молия вазири



Б. Ходжаев

2017 йил "11" апрель

Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси



Д. Хидояттов

2017 йил "11" апрель

"КЕЛИШИЛГАН"

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (Вилоят
соғлиқни сақлаш бошқармасининг)
Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил
этиш Маркази директори (бўлим бошлиғи)

(имзо) (Ф.И.Ш.)
" " 200 й.
м.ў.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Муассаса раҳбари _____

(имзо) (Ф.И.Ш.)
" " 200 й.
м.ў.

да 20 " " _____ дан пуллик тиббий хизмат калькуляцияси

(муассаса номи)

Т / р	Хизмат номи	Хизмат кўрсатишда катнашадиган ходим лавозими	Бир ойлик иш хақи миқдори	Бир кунлик иш вақти меъёри (соат)	Меҳнат сарфи (лакика)	хизмат таннархи				Жами хизмат таннархи	Рентабеллик	Жами	Юқори турувчи ташкилотга ажратма	жами	фойда солиғи	инфратузилма солиғи	Жами солиқлар	Жами	Республика йўл жамғармасига мажбурий йўл ажратмалари	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	Бюджетдан ташқари мумтаълим мактаблари, ва тиббиёт муассасаларини мукамал таъмирлаш ажратмалари	Хизмат нархи
						7.1	7.2	7.3	7.4													
1	2	3	4	5	6	7.1	7.2	7.3	7.4	7	8	9	10	11	12.1	12.2	12	13	14	15	16	17

Калькуляция тузган масъул ходимлар имзоси:

- 1.
- 2.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
 тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида пуллик
 тиббий хизматларга нархларни шакллантириш тартиби
 тўғрисидаги Низомга

2-ИЛОВА

"КЕЛИШИЛГАН"

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (Вилоят
 соғлиқни сақлаш бошқармасининг)
 Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил
 этиш Маркази директори (бўлим бошлиғи)

_____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

"__" "____" 200__ й.
 м.у.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Муассаса раҳбари _____

_____ (имзо) _____ (Ф.И.Ш.)

"__" "____" 200__ й.
 м.у.

да 20 "____" _____ дан бир ўрин кун учун калькуляцияси

(муассаса номи)

Т / р	Бўлим номи	хизмат таннархи			4	4.1.	5	6	7	8	9	10	11	12.1	12.2	12	13	14	15	16	17
		иш хақи жамғармаси	ижтимоий сугуртага ажратма	Билвосита харажатлар																	
1	2	3.1	3.2	3.3	4	4.1.	5	6	7	8	9	10	11	12.1	12.2	12	13	14	15	16	17
		иш хақи жамғармаси	ижтимоий сугуртага ажратма	Билвосита харажатлар	Жами хизмат таннархи	Иш хажми (ўрин-кун режаси)	Бир ўрин-кун таннархи	Рентабеллик	Жами	Сервис хизматларига устама	Жами	Юқори турувчи ташкилотга ажратма	жами	foyda солиғи	инфратузилма солиғи	Жами солиқлар	Жами	Республика йўл жамғармасига мажбурий йўл ажратмалари	Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар	Бюджетдан ташқари мумтаълим мактаблари, ва тиббиёт муассасаларини мукамал таъмирлаш ажратмалари	Хизмат нархи

Калькуляция тузган масъул ходимлар имзоси:

- 1.
- 2.

